

СУВ-ЎЎЗАНИНГ ҚОНИ-ЖОНИ

Ҳар бир туп ўза сувга қонсин, яйраб ўссин, шода-шода маржон тақсин

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!


ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 133 (3615).

Шанба, 8 июль, 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.



Шу кунларда областимизнинг пахтакорлари ўзаларни қондириб сугориш учун барча зарур чораларни кўрмоқдалар. Сувчилар гайрат қилиб ўз касбларига яраша иш тутаётирлар. Суратда: (чапдан) Янгийўл районидagi Назарали Нисёзов номли колхознинг илгор сувчиларидан М. Азиев, Р. Қўзобоев, Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозидан М. Собиров ўртоқлар.

О. Қўзобоев, А. Абалиев фотолари.

СУВЧИ—ЎЎЗАНИ ЯШНАТУВЧИ

Ўтган йили районимизда ўзгача ҳама хўжаликларда пахта тайёрлаш планни шараф билан бажарилган эди. Бу аҳволдан биз жуда хайра-манда бўлган эдик. Бундай аҳволнинг юз беришига колхозимиздаги раҳбар кадрларнинг қўшимча ишлари, ташкилий ишларнинг бўлиши кетганлиги ва бошқалар сабаб бўлган.

Бу аниқ ҳақиқат ҳали эсимиздан чиққан йўқ. Колхозчиларимиз юбилей йилида юзимидаги дорин юнли, пахтачиликда ҳосилдорлигини ошириш, биз учун янги бўлган сабаботчилик хунарини эгаллаш учун астойдил курашмоқдалар. Ҳар қандай ишда одамлар илҳос билан қўлига қўйиб ҳақини қилмас натижа яхши бўлмайди. Бу йил одамларимизнинг ишга бўлган илҳослари ортиб кетди. Ҳама аҳил бўлиб ишламоқда. Шунинг учун бу йил

қўлғимиз анча тўқ. Чунки колхозчиларнинг ҳалол ва ғидоқона меҳнатлари туфайли ўзаларимизнинг ҳам, сабаботчиликнинг ҳам аҳволи яхши. Бу ҳаммаимизни бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганимизнинг оддий сувчилик бўлса ҳам бу гапларни айтмасдан ўтормаймиз. Чунки ҳар бир кишининг ишидаги муваффақият колхоздаги умумий ишнинг йўналишига боғлиқ. Ҳозир эса колхозимизда иш юришиб кетганидан хурсандимиз.

Масалан, Янгийўл-Янгийўл айланида ҳар бир кишининг ишдаги ҳақини янги равишда борапти. Колхозчилар тахтача қилиб, бўлиб берилган ерларда ишламоқдалар. Жумладан биз сувчилар ҳам, бир сафар бу ерда, иккинчи сафар бошқа ерда сув қўймаймиз. Балки бинога ажратиб берилган ердаги ўза-

ларга мавсум охиригача сув қўямиз.

Оддий колхозчи, сувчи, тракторчининг доим бириктирилган ерда ишлаши айниқса кўчати тўла сақлаб қолишга яхши ёрдам беради. Ҳозир колхозимиз бўйича ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 81,5 минг туп қўчат бор.

Колхозимизда сувчиларга ҳақ тўлаш тартиби ҳам тўғри йўлга қўйилди. Албатта ҳамма ердаги ўзага сув қўйиш бир хил эмас. Айрим жойларга сув қўйиш осон, баъзи карта қийин. Масалан, енгилроқ ердаги ўзани бир гектарига мавсумда сув қўйиш учун 26 сўм 86 тийин, қийинроқ ерларга 28 сўм 72 тийин акратилган. Агар сувчи мавсумда 12 гектар ердаги ўзани сугорса 344 сўм олади.

Бултур пахта тайёрлаш планининг бажарилмай қоллишида сувчиларнинг ҳам хила айби

бор эди. Бир хил ерлар қўлатиб сугорилди. Айрим пайкалардаги ўза сувга қонмади. Бир картада ҳам қанчаган, ҳам қўлатиб сугорилганидан сарғайиб қолган ўзаларнинг кўриш мумкин эди. Вақтида сугорилмай қолган ўзалар шона ҳам ташлаган эди. Бу йил ана шундай аҳвол ҳали колхозимизда юз бергани йўқ.

Баъзан айрим карталардаги ўзанинг бўйи, ривож ҳар хил бўлиб қолади. Бундай аҳвол сувчининг бир текис сув қўйишга натижада юз беради. Биз бу йил ҳар бир картанинг шариоғига қараб ўқаришлар олдик. Мумкин қадар ўқаришлар орасини яқинроқ қилишга алоҳида эътибор берилди. Шунинг учун барча ердаги ўзаларнинг бўйи бир хил. Бир баъдан, бири наест эмас. Бу мўл ҳисоб олишда катта аҳамиятга эга. Мавсум қўчатнинг сонига

на етмайди, унинг сифати ҳам керак. Бунга эришиш сувчиларнинг маҳоратига боғлиқ.

Бизнинг колхоз қисман сабабот етиштирилган хўжаликка айланиши учун бу йил пахта майдони 401 гектар қолди. Ма-на шу ерлардан дастлаб 23,7 центнер ўрнига 25 центнердан ҳосил етиштириш мўлжалланган эди. Ҳозир қўчатларнинг тўғрилиги, унинг бир текис ривожланиши, ёввойи ўтлар қириб ташлангани туфайли гектаридан 30 центнерга етказиб ҳосил етиштириш мўлжалланган. Умидимиз шу. Шу мақсадга етиш учун Шодмон Нардаев, Усмон Хатамов, Анорбой Турғун сингари сувчилар сидиқ дилдан ҳаракат қилиб ўзаларга ойи-ҳаёт тарамоқларини

А. АБДИРАҲИМОВ, Ўрта Чирчиқ районидagi «Партия XXII съезди» колхозининг сувчиси.

ДАЛАЛАРНИ ТУНДА КЕЗГАНДА

Июль ёзининг энг иссиқ даври ҳисобланади. Бу ойда ўзаани тез-тез сугориб туриш гоят катта аҳамиятга эга. Агар нисоллар ўза вақтида сувга тўйдирилмаса ҳосилдорлик камайиб кетади. Хирмон баракали бўлмайди. Шунинг билан одамлар деҳқонлар кеча ва кундуз ўзаларни қондириб сугоришга аҳамият бермоқдалар. Ишнинг қўзини билган деҳқонлар айниқса шу кунларда тунда сугоришга алоҳида эътибор беришапти.

Шуниси қувончлики, Оққўртон, Бўка, Бекобод ва бошқа районлардаги илгор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари тунги сугоришни пухта ташкил қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Колхоз, совхозларнинг раҳбарлари активлар билан биргаликда тунги сугоришнинг қандай аҳволда эканлигини кўз-қўлоқ бўлиб туришибди. Тез-тез текширишлар ўтказмоқда. Бу эса сувчиларнинг ишга бўлган масъулиятини янада оширмоқда. Сувдан тўғри фойдаланиш имкониятини бермоқда.

Оққўртон районидagi хўжаликларни кўздан кечирганда кўп жойда тунги сугориш яхши йўлга қўйилганлигини гувоҳи бўлдик. Район хўжалик раҳбарлари тунги сугоришни текшириб туриш юзасидан навбатчилар қўйишган. Улар тез-тез сувчилар билан учрашиб туришибди. Ишларга яқиндан ёрдам беришапти. Сув камчили бўлган жойларга қўшимча сув келтиришапти. Биз «Озо», «Партия XXII съезди», Хамид Олимжон номли колхозларда, 1-«Оққўртон» совхозда тунги сугоришнинг аҳвали билан қизиқдик. «Партия XXII съезди» колхоз пахтазорини ярим тўлига айланди. Деярли ҳамма сувчи иш бошида эди. Тунги сменала ишлаётган сувчилар фонарь ушлаган ҳолда ҳар бир картага оқибатини кўздан кечириб туришган. Колхозда сув ишдорларининг ҳисоб-китоби яхши қўйилган. 1150 гектар ердаги пахтазор биринчи марта сифатли сугорилди. Айрим участкаларда эса иккинчи ва учинчи сув кетаяпти.

Биз Хамид Олимжон номли колхозга келганимизда тунги соат 2 эди. Колхоз раиси Хасанбой Эргашев ва партия ташкилотининг секретари Шеруқ Аликулов ўртоқларамиз билан юқори участкадан қайтиб келишган экан. Биз улар билан пасти участкаларнинг аҳолилариди бўлдик. Бу ерда сувчилар ўқаришлардаги сувларни катталарга бир текисда оқибати эришганлар. 7-участканинг сувларини Антамов, Пиримкулов, Аллонов ўртоқлар ҳар бир каттада бир текисда сув оқибатини таъминлашди. Шунинг учун ҳам карталарнинг пасти томони қўлатиб кетмаган. Ўзадан чиққан сув пастига ариқча оқиб кетапти.

1-«Оққўртон» совхозининг дала-ларини айланишимизда тунги соат уч яримдан ошган эди. Шунга қарамай совхоз раҳбарларининг қўйиш сувчилар билан бирга эди. Бош аргоним ўртоқ Рауф Абдурахмонов сувнинг ҳисоб-китоби бўлмагани учун ишчиларга яқиндан ёрдам бераётган экан. Совхозда ўзалар қапқатиб қўйилмапти. Қўлатиб кетиб қолган ҳам бўй бермапти. Ҳар бир картадаги ўза сувга қониб, ҳосил тўғунчаларини қўлатибди.

Бекобод районидagi 2, 3-«Далаварин» совхозларида, Ленин номи, Держинский номли колхозларда ҳам сувчилар икки сменала ишлашапти.

Биз Держинский номли колхознинг 4-участкасига келганимизда

сувчиларнинг ҳалол меҳнат қилаётганини яна бир гувоҳи бўлдик. Бу ерда ёшлар ҳам, тажрибали сувчилар ҳам ўзаларга тошпирилган ишни садоқат билан бажаришган эди. 75 баҳорини кўрган Рустам ота Диевов бир қўлида чирок, қўлида тараган картадаги сувнинг кечаси қандай оқибатини текшириб юрибди. Ота кундузи жуда усталлик билан сув тараган. Шунинг учун ҳам сув бир текисда оқаяпти. Эртага кечқурун у нарини картани сув тарамоқчи бўлганлигини айтди.

— Сизни тунги иш чарчатиб қўймайтимиз?

Ота бу саволдан таянжубланди. Кейин мийғида кулиб бундай деди:

— Менинг ёшлардан ёрдамчим бор. У доимо қўмаклашиб турибди. Ота бу гапларни айтиб нарини картада иш билан машғул бўлган бир кишини қақирди. У 65 баҳорини кўрган Умат ота Комилов эди.

— Мана, шу менинг энг яқин ёрдамчим. Минжа қўмақ билан биргаликда сувнинг оқибатини кўзатиб чинамиз.

Отачилар ўзаларни ишлаётган жойни кўрсатишди. Сув найчалар орали қаторларга таралиб қўйилган. Миншкур сувчилар бу усулни 15—16 йилдан бери қўллашапти. Шунинг учун ҳам ўзаларни ёлпасига сугоришдек қўйилган ҳисоблар бўй бермапти. Отачиларнинг гайрат ва ташаббус билан ишларини сабабли ҳосилдорлик мутғасил ошиб бормоқда. Бу нуқсоний оталар ишлаётган участканинг ўзалари тиззага уради. Улар ҳар гектаридан 30—32 центнердан хирмон кўтараякларини айтишди.

Тунги кузатиш шу нарсани кўрсатдики, қарда бу ишда агротехника қондаларига риоя қилинмаётган бўлса, ўша жойда мўл ҳосил тўпланмоқда. Ўзалар бўйига-бўй қўшиб гулларини тўтиб қолмоқда.

Ленин шун ҳам айтиш кераки, бир қатор хўжаликларда тунги сугоришга жиддий аҳамият берилмапти. Бунинг Бўка районидagi «Ленинизм» колхозини мисолида кўриш мумкин. Колхозда тунги сугоришни ташкил қилиш юзасидан графиклар тўзилган, ҳатто навбатчилар таъинланган. Амалда эса бу ишга бўларчилика ташлаб қўйилмоқда. Колхоз далаларида кечалари ҳеч ким бўлмайди. Белгиларини участкаларга бориб сувчиларнинг ишдан хабар олишапти. Шунинг учун ҳам сувчилар ўртасида меҳнат интизоми бўлишиб кетган. Қўп сувчилар кундузи сувни эгтарларга тараб қўйиб, кечалари хабар олишапти. Колхозда шундай сувчилар ҳам борики, улар кеч бўлиши билан сувни катта ариқларга ташлаб юборишади. Бундай аҳвол лавом этакерса ўзаларни қачон иккинчи сувдан чиқариб олиш мумкин. Колхоз раҳбарлари доимо сув таъинлигида қарда гапирибди. Ленин бир грамм сувни ҳам ҳисоб-китоб қилимай қўйиб қўйиб масаласи билан жиддий шугулланишмапти.

Ўзани шу кунларда, айниқса тунда сугориш гоят катта аҳамиятга эга эканлигини юқорида айтдик. Бунинг унутилиш ярамайди. Сувдан тўғри ва тежамли фойдаланиб, барча майдонлардаги ўзаларнинг қониб сув ичишига эришайлик. Кечалари сувчиларнинг иш устидан ана ҳам назоратни қўлга олиш, уларнинг унутилиш ишларини учун барча шариоғларни яратиб берайлик.

МИРИШКОРЛАР

Янгийўлдаги машъал «Ленинизм» колхозининг пахтакор деҳқонлари ҳар йилгидек бу йил ҳам ўза парваришида ўз миришкорликларини кўрсатмоқдалар. Хўжаликнинг қайси бир пахта пайкалига борманг, бир текис ўсаётган, гуллаётган ўзаларни кўриб ҳавасингиз келад. Бу — уста деҳқонлар меҳнатининг самарасидир.

Ўртоқ Зиябой Ризаев бошлиқ участка деҳқонлари Улуғ Октябрнинг ярим асрлик юбилейига гектар бошига пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» кўтариш билан кўтиб олишга бел боғлаган. Ҳозир участка далаларида бажарилаётган иш ана шу юн-

сак мажбуриятга яраша бўлмади. Механизаторлардан Э. Ҳамидуллоев ва А. Абдурахмонов ўртоқлар ўза қатор ора-ларини об-тобда майин қилиб юмшатаётган бўлишса, сувчилардан И. Исронов, А. Абду-маров, Қ. Эргашев ўртоқлар ўза нисолларини об-ҳаётдан баҳраманд қилимоқдалар.

Колхознинг Омонкул Айтқулов, Қодир Илёсов ўртоқлар бошлиқлик қилаётган участкаларда ҳам миришкорларнинг меҳнати туфайли ўза нормал ривожланмоқда. Пахтакорлар ўзаларнинг бирор тупини ҳам нобуд қилмай ўстиришга эътибор бермоқдалар.

Э. ТОШМУРОВОВ.

ДОНГ ТАРАТГАН ЙИГИТ

Ҳасан Мадумаров Олма-лиқда 5-тир бетон заводининг донг таратган ишчиларидан. 16 йилдан бери сидиқидан ишлаб, оддий ишчидан моторчи даражасига кўтарилди. Дастлабки пайтларда қўйилган бўлса-да, қўнч билан қўйиб-ўрганди.

Қарабизки, қисқа вақт ичида номи тилга тушди. Утган йили ҳалол меҳнати муносиб таъдирланди. «Меҳнатда ўрнатилган қўнчларнинг учун» медалини олганга муассас бўлган эди. Бундан гоят руҳланиб ўз-нор-

масини муттасил 1,5 ҳиссага етказиб адо эта бошлади. Завод коллективи бултур уни Олма-лиқ шаҳар Советига депутат қилиб сайлади.

Ҳасан Мадумаров учун яқинда ана бир қувончли воқеа бўлди: у «Хўрмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Ўз касбига меҳр қўйган, камтар ва ишчан йигит Октябр юбилейига муносиб меҳнат совғаси таъдирланди. Меҳнатда юннатилган қўнчларнинг ишчилик жониқарлик кўрсатиб ишламоқда.

М. АЗИМОВ.



Суратда: Чорвоқ ГЭСи курилиш участкаларидан бирида. Н. Третьяков ва П. Коваленко фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ГАЛЛА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
7 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ
(Процент ҳисобида)

Районлар	Бир қўнч қўйиш	Мавсум бошидан бери
Ўрта Чирчиқ	9,5	69,9
Бекобод	6,3	49,3
Юқори Чирчиқ	5,5	37,6
Бўка	2,6	19,0
Оржоникидзе	2,9	14,5
Янгийўл	0,7	6,9
Калинин	1,0	1,5
Область бўйича	5,3	36,7

СОВЕТ — КАМЕРУН МУЗОКАРАЛАРИ

6 июлда Кремлда Совет — Камерун музокаралари бўлиди.

Музокарада Совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР Ташқи ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва бошқалар қатнашадилар.

Музокарада Камерун томонидан Камерун Федератив Рес-

публикасининг Президенти Амаду Ахиджо, Ташқи ишлар министри Бенуа Бьяндан ва бошқалар қатнашадилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик назариясида ўтган музокара даражасида Совет — Камерун муносабатларини ривожлантириш масалалари ва ҳар иккала томонини қизиқтиратган муҳим халқаро проблемалар қарб чиқилди. (ТАСС).

К У С А К

Янгийўл районидagi Охунбобоев номли колхознинг Мирсоат Устабобоев бошлиқ участка аҳолилари ўтган йили 195 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил қўлатиб, планни биринчи қатори ошириб бажарган эди. Участки аҳолиларининг бу йилги режалари яна ҳам катта. 205 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 ўрнига 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Участканинг эвенлариди иш мусобақа асосида кетаяпти. Механизаторлар гайрат кўрсатишмоқда. Бахтиёр

ТРАКТОР ИЎҒУВ ЗАВОДИ
КОЛЛЕКТИВИНИНГ АЖОИБ ИШИ

Тошкент трактори универсал машина бўлиб қолди. Илгари бу уч йилдираси машина фақат дала ишларида фойдаланилган бўлса, эндиликда у юк ташинишда, бошқа машиналарнинг ўрнини ҳам муваффақият-ли равишда босадиган бўлиб қолди. Унга алмаштирилган

Хонжиев, Хусанбой Қўчқоров каби тракторчилар кўнига 7—8 гектар ердаги ўзани култивация қилаётди. Ҳозир барча майдонлардаги ўзалар қийос-қулга кирди. Олдингилари эса қўсқайиб бошлади.

Ака-ука Сарвар ва Анавар Шоҳбозовлар бошлиқлик қилаётган эвенларда ҳам баракали хирмон кўтарилади. Бу меҳнаткорлар ўзалар раҳбарлик қилаётган эвенлар ўзасини култивация қилиб тўйдириб озиқлантиришмоқда.

Т. НУРҚУЗИВ,
Р. ХОЛДОРОВ.

Икки йилдираси олдинги мост ўрнини туфайли ана шунга эришилди. Тошкент трактор йўғу заводи ана шу деталани ишлаб чиқара бошлади. Республика колхоз ва совхозлари шу йилнинг ўзигада 500 та шундай узел олади.

Корхонада «Т—28—Х» типидagi янги трактор ишлаб чиқаришга ҳам муваффақият-ли таътирларни кўришмоқда. Бу трактор ўтмишдошига қараганда анча кучли дингелгага эга бўлади. Бу эса, ундан тўрт қаторли пахта териш машинасини тираш учун фойдаланиш имконияти беради.

Завод коллективи энг ёш тошкентликлар учун ҳам яхши туғфа тайёрлади. Оргинал конструкциядаги енгил сомакатлар-спортроллерларнинг дастлабки таътирба туриши ишлаб чиқарилади. (ЎЗТАГ).

Қ. МИРҲОСИЛОВ,
область совхозлар трестининг инженери.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА
ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ
ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА»
ФАҲРИЙ УНВОНИ БЕРИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган қўнидаги оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилиб, «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топирилади:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

1. Абдуқанонова Саида — рўзгор ишчида аёл, Тошкент шаҳри.
2. Норимова Азиза рўзгор ишчида аёл, Тошкент шаҳри.
3. Сиромияткова Бера Закировна — рўзгор ишчида аёл, Тошкент шаҳри.
4. Тошмухамедова Тожи — рўзгор ишчида аёл, Тошкент шаҳри.
5. Шоназарова Рўзибу — рўзгор ишчида аёл, Юқори Чирчиқ районидagi Қумиштон қишлоғи.
6. Эргашева Муассар — рўзгор ишчида аёл, Тошкент шаҳри.
7. Ёқубова Анохорон — Янгийўл районидagi Х. Турсунқулов номли колхоз аъзоси.

СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети
Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль
1967 йил 3 июль.

100

ЗУЛАЙҲО БУЛСАҢ

Нега севмай юзани-у таманно бўлсанг,
Ишқ утида ёнган қалбга тасалло бўлсанг.
На бўлганки учрашганда бир қиб бўлсанг.
Бу маҳлиё оғинингга маҳлиё бўлсанг.
Юлдузлар кўп, гул юзлар кўп, аммо на қилай
Қалбим аро фақат ўзинг жобоба бўлсанг,
Нечун боқай кечалари самого мафтун,
Сен ердан, ёнингдан сурайи бўлсанг.
Бунчалар сен бўлмас эдинг ларвойи палам,
Ишқ дардига мен сингари мубтало бўлсанг.
Муҳаббатда, садоқатда тенгсизман мен ҳам,
Латофатда, назонатда сен танҳо бўлсанг.
Итифот эт, араларингга қулоқ сод дилбар,
Мен Юсуфман агарда сен Зулайҳо бўлсанг.

Юсуф ШОМАНСУР

Суратларда: «Ватан иши» спектаклидан кўриниш.

А. Мальцев фотоси.



САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Янгийул шаҳар халқ театри ўзининг «Ватан иши» спектакли билан республикамиздаги эътиборли иштироки билан таъкидланди. Театр бу спектакли билан сахна асарларини кўнгилдагидек ижро эта олиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам халқ театрига умидли талентлар уюшган. Турли касб эгаларидан Ш. Асқаров, М. Мусаева, Ш. Эшмухамедов, Р. Йўлдошева, А. Мусаевлар театрининг талантили актрисалари бўлиб қолдилар.

Маълумки, Янгийул шаҳар халқ театри ҳаваскорлик коллективлари Бутуниттифок театр санъати фестивалига республикамиздан вакил бўлиб катнашди. Театр коллективи кўрсатган «Ватан иши» спектакли Бутуниттифок фестивали жюрисининг биринчи даражали дипломи билан таъкидланди. Театр эса Бутуниттифок театр санъати фестивали лауреати унвони берилди. Энг аҳми талентлар ўз роляларини муваффақиятли ижро этганликлари учун биринчи даражали дипломлар билан мукофотландилар.

Шу муносабат билан кўни кеча Янгийул шаҳар маданияти уюшма бу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Тантанали кечада область маданият бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. Пикаев халқ театри коллективининг Москвага қилган сафари тўғрисида батафсил гапириб берди. Шу билан бирга нотий халқ театри коллективининг юқориди режалари устида ҳам тўхтади. Ҳозир ҳаваскор актёрлар ҳамма Ҳақиқатда Нобелининг Майсарининг иши, Максим Горь-

кийнинг «Тубилинда» номли пьесаларини сахналаштириш устида иш олиб бормоқдалар.

Шундан сўнг область партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Р. Мусахонова Бутуниттифок фестивали жюрисининг дипломларини тантанали равишда топширади. Бундай мукофотга ҳаваскор актёрлардан Ш. Асқаров, М. Мусаева, Ш. Эшмухамедов, Р. Йўлдошева ва А. Мусаевлар сазовор бўлган эдилар.

Янгийул шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. И. Рибалко сўзга чиқиб, халқ театри коллективи бундан кейин ҳам самарали ижодий иш олиб боради деб айтди.

Уш кўни халқ театри актёрлари ижросида «Ватан иши» спектакли намойиш қилинди.

«Ватан иши» спектакли билан таъкидланди. Театр бу спектакли билан сахна асарларини кўнгилдагидек ижро эта олиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам халқ театрига умидли талентлар уюшган. Турли касб эгаларидан Ш. Асқаров, М. Мусаева, Ш. Эшмухамедов, Р. Йўлдошева, А. Мусаевлар театрининг талантили актрисалари бўлиб қолдилар.

Маълумки, Янгийул шаҳар халқ театри ҳаваскорлик коллективлари Бутуниттифок театр санъати фестивалига республикамиздан вакил бўлиб катнашди. Театр коллективи кўрсатган «Ватан иши» спектакли Бутуниттифок фестивали жюрисининг биринчи даражали дипломи билан таъкидланди. Театр эса Бутуниттифок театр санъати фестивали лауреати унвони берилди. Энг аҳми талентлар ўз роляларини муваффақиятли ижро этганликлари учун биринчи даражали дипломлар билан мукофотландилар.

Шу муносабат билан кўни кеча Янгийул шаҳар маданияти уюшма бу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Тантанали кечада область маданият бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. Пикаев халқ театри коллективининг Москвага қилган сафари тўғрисида батафсил гапириб берди. Шу билан бирга нотий халқ театри коллективининг юқориди режалари устида ҳам тўхтади. Ҳозир ҳаваскор актёрлар ҳамма Ҳақиқатда Нобелининг Майсарининг иши, Максим Горь-

Реклама

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Биринчи программа

(3-канал)
Ўзбек тилида: 16.55 — Эшиттиришлар программаси. 17.00 — Кўргичлар телевидион театри. 17.30 — Телевидион янгиликлари. 17.45 — Олим бўлсанг-олам сенини (Видео кўрсаткичи). 18.55 — Телевидион янгиликлари (рус тилида). 19.05 — Концерт (кишлор бадиий ҳаваскорлари ижросида).
МОСКВА КўРСАТДИ
19.55 — Е. Ресс. Дахшат. 21.00 — ЭКСПО-67. 21.15 — Интервидео. ние. Ада-уна Знаменскийлар музо. фотига енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар. Москвада олиб кўрсатилди. 23.40 — Телевидион янгиликлари. 24.00 — Москвада Туркменистон ССР ҳафталиги «Оғон».

Иккинчи программа

(5-канал)
ТОШКЕНТ КўРСАТДИ
Рус тилида: 16.55 — Эшиттиришлар программаси. 17.00 — Химия. Металларнинг умумий хосса-лари. 18.00 — Янги уй (музт. фильм). 18.10 — Телевидион янги-ликлар. 18.20 — Универмаг вит-ринас ортда (телеочир). 18.30 — Зоревие программаси. 19.10 — Дусларимиз эстрадаси.
Ўзбек тилида: 19.55 — Туз но-нидаги иш нуни (ҳужжатий фильм). 20.15 — Телевидион янги-ликлар. 20.25 — Концерт. 21.05 — Тириниш (кинжичи серияси).
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)
18.00 дан ФОРУБЕ ТЕЛЕВИДЕ. ИНЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

КИНО

Киши бинада
Андрес Лопетугас нима бўл-ди — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН» (қулуз ва кечурун).
Бумеранг — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (эрталаб 10, қулуз соат 12.4 ва кеч 8 да), «МОСКВА» (қулуз соат 12.4 ва кеч 8 да).
Хавфли ёшлик — НАВОНЯ ном-ли (кеч соат 8.20 мундта ва 10.00 да), «ЧАЙКА» (қулуз ва кечурун).
Айбонит — 66 — САНЪАТ САРОЙИ (қулуз ва кечурун).
Ҳозир бошқача замоналар — «3. ВЕНИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (қулуз ва кечурун).
Аччиқ доллар — «МОСКВА» (қулуз соат 2, кеч 6 ва 9.45 мундта).
Геранл жасорати — НАВОНЯ номли (қулуз ва кечурун).
Буйдоннинг ҳаёти — «КОМСО. МОЛ 30 ИЛЛИГИ» (қулуз соат 2, кеч 6 ва 9.45 мундта).
Еча, буғун, эртага — «ФЕСТИВАЛЬ».
Ҳозир бошқача замоналар — «ХИВА».
Иллиманжаро қори — ТЕЛЬМАН номли.
Утмин билан учрашув — «РАКЕТА».

«ЎЗНЕРГОСБИТ»

элентран фойдаланганлик учун сўғиш ўзларига топ-ширилган ишчиларга танлиф қилганини,
элентр учун
ҳар ойнинг 1 кунидан 11 кунигача сўғиш, тегишли пул-ни Гобсанининг кирим номли нассаларига тўласинлар,
Утган вақт учун
марказлар бўлган
эбонентлар уни дарҳол тў-лашлари лозим.
Сўғишлар ўз нақдда тўланма-са, элентр оғоҳ қилинмасдан ўзиб қўйлади.

«СЛАВТАШКЕНТСТРОЙНИНГ» ТРАНСПОРТ ВОҲАРАСИСИГА
автотранспорт ўзув Комбинати директори, илмий бўлим му-дир, назарий ва ишлар чинарғи таълими бўйича ўқитувчилар, катта фехталтер, ҳужалик му-дир

КЕРАК
Автобада ва аппарат бош-кармасида ишлаш учун:
автотранспортни эксплуатация қилиш ва тўзатиш бўйича ин-женер-техник ишчилар, авто-транспорт хисоби ва экономи-каси билан таъмин бўлган бух-галтерлар ва инженерлар, ҳам-ди, авторемонтчилар ва шоферлар

КЕРАК
Елғиз ишчилар ётоқхона би-лан, оилаликлар гишдан бу-рилган уйлар билан таъминла-надилар.
Муросат учун адрес: Бекте-мир посёлкаси, Янги ҳаёт кў-часи, 28-уй (17 автобуснинг «9-АТК» тўхташ жойи).

«ТАШЖИЛПРОМСТРОЙ» КўРИЛИШ-МОНТАЖ ВОҲАРАСИСИНИНГ «ТОШКЕНТВОДСТРОЙ» ТРЕСТИГА
(Туябуғиз, Бектемир посёлка-ларида ва Тошкент шаҳрида) бўёқчилар, сувоқчилар, гиш-терувчилар, дурадоғлар, мон-тажчилар, бетончилар, бош-бухгалтер, катта бухгалтер

КЕРАК
Елғиз ишчилар ётоқхона би-лан, оилаликлар гишдан бу-рилган уйлар билан таъминла-надилар.
Муросат учун адрес: Бекте-мир посёлкаси, Янги ҳаёт кў-часи, 28-уй (17 автобуснинг «9-АТК» тўхташ жойи).

Узбекистон Компартияси Мар-казий Комитети бйрашган на-ш-иётининг босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 01026.
Илдес 64970
А. 1696.

УНИ АЛЪТА ДЕИИШАР ЭДИ

Бу ҳужжатли репортаж Совет Иттифоқида хўнаткор-на ҳужум қилишга тайёрланган шайхлар Германияни бош-лиқларининг планлари тўғрисида муҳим ахборотларни олишда совет разведкасига ёрдам берган бир гуруҳга немис антифа-шистларининг фидокарликлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу гуруҳга Илья Штёбел раҳбарлик қилган эди.

ГЕРМАНИЯ ЭЛЧИСИНИНГ ДУСТИ

1932 йил кўзида англ йирин Германия кониери филиаллари-дан бирининг раҳбари, айни за-монда талантили разведкачи — антифашист Вольфганг малакати бўйлаб қилган сафаридан Варша-вага қайтиб келди. Пан Польша-сидаги Германия элчиси граф Гельмут фон Мольте «коммерс-сант»ни ўз уйига таклиф этди. Унинг фикрича «коммерсант» ат-рофдаги воқеа, ҳодисаларга дав-лат нуқтаи назаридан қарайдиган ва баҳо бера оладиган одам эди. — Мен ва менинг англ қири ҳо-димилярини сизнинг ҳикоятининг тингловчи эдилар.

Фон Мольтеининг ўша оқшом йиғилганлар орасида элчихона-нинг биринчи секретари, элчининг студентлик йилларидаги дўсти Ру-дольф фон Шелия ҳам бор эди.

Ушандан кейин Вольфганг ва фон Шелия тез-тез учрашиб тура-диган бўлишди. Вольфганг дип-ломатини қизиқтирган маълумот-ларни фон Шелияга етказарди. Коммерсант бу маълумотларни ўзи ишлаб турган Германия хиз-ми махсулотларини реклама қилиш бюросидан билиб оларди. Ушун-дан шундай назарий пайдо бўлди-ки, фон Шелия Берлин учун ту-задиган ўз докладларини мутта-сли Вольфганг ҳозир бўлган пайт-ларда ва унинг ёрдамида тузишга ҳаракат қиларди.

Немис дипломатининг иш эл-чиликларга бориб қолган. У Сиде-зиялик йиринг помещикдорлар-нинг йилжа-юғона ўғли эди, онаси эса Бисмарк кабинетига молия ми-нистрга бўлган фон Миквельнинг қизи эди. Рудольф фон Шелия машхур немис аристократлари орасида ўз ишисин ҳисобланарди. Уни кўзга қўриган поляк дюорян — пилсудчилари хонадонларида ҳам бақовидил кутиб олишарди.

Янги дўстининг коммунистларга сира ҳам мойил эмаслигини, на-тижаларга эса аристократик кай-фиятда менсимаслиги билан қара-ши, уларнинг бошлиғи — еф-рейтор устидан заҳархандилик бил-лан қилиши Вольфганг учун сир эмас эди.

Этилчилда дипломатни камситиб бўлмас эди. Германияда фашистлар ҳокимияти тепасига келган бир неча ой ўтди. Варшавадаги немис амал-дорлари национал-социалистлар пар-тиясига кириш тўғрисида энцигина-уйлаб кўраётган эдилар. Шелия бў-са Германия сафаридан қайтиб кел-ган, Вольфгангнинг ҳузурига таълиф-этиб, инюяли жимлайиш унинг ол-дига ўз нақист партия билети ва штурм отряди командирининг гувоҳ-номасини ташлади. Нақистлар пар-тияси ва САҒа кирганлигини Шелия бир неча ой ўз дўстларидан ва ҳа-то элчидан ҳам сир сақлаб юрди. У бу сирини фақат Вольфганггагина ишониб айтди.

бўлса керак? Сиз билан очичасига гапирибши истайман. Мен сиз та-шир буюрган мамлакат разведкаси-нинг ҳодиминан. Бу маълумотлар бизни жуда қизиқтиради. Мана шу сабабдан биз сиз билан доимий ало-қада бўлиб туришни хоҳлардим. Агар сиз ўз дўстинингиза ишонсангиз бу суҳбат тўғрисида унга айтишин-гиз мумкин. Истасангиз ўз қарорин-гизни ҳам у билан маслаҳатлаши-шгизга мумкин. Сизга ҳам, унга ҳам хизмат ҳақини олтин билан тўла-миз. Ушун-кесил қарорингиз тўғри-сида ушбу адресга хабар қилишингиз мумкин...

Ана шу планни тузар экан. Вольфганг шундай деб уйлаган эди: Шелия билан бундай гапла-шишнинг афзаллиги шундаки, бор-ди дипломат «жаноб С.» билан бирга иш қўришдан бош торту-дек бўлса, у ҳолда Вольфгангнинг ўзи билан алоқани сақлаб қолади. Аммо бу планни амалга оши-ришга киришадиган оқда у бу ҳақда Илья Штёбелни хабардор қилиб қўйди.

ВАРШАВАДАГИ немис хо-лоқисиде журналистка Илья Штёбел катта қурматга сазовор эди. Ушунга ёш истариси иссиқ ва ақли, одамларни ўзига ром қилиб оладиган бу аёлга бошқача

ҲУЖЖАТЛИ РЕПОРТАЖ

муносабатда бўлиш қийин эди. Ҳатто у Варшавадаги немис хо-тин-қизларини национал-социализм руҳида тарбиялаш мақсадига ма-салалий фюрернинг мақсадига ма-салалий фюрер референти қилиб тайинланганда ҳам, немис амал-дорлари рафиқаларининг миш-мишларига қараганда ҳам, ўз ў-ғинишларига қарама-қарши ўла-роқ, ўша ёрматилигини тарк эт-маган.

Илья Штёбел фашизмга қанча-лар нафрат билан қарашлигини фақат Вольфганг ҳамда Москва-даги Марказ ҳодимларидан бир неча кишигина биларди, ҳолос. Германияда у жигаранг мундир қийиб олган, ҳайовий қиёфадати муттаҳамларнинг Хорст Вессел ҳақида бақириб қўшиқ айтиб, одамларни ўраб олиб, қамоққа ташлаганликларини, «Хайль Гит-лер» деб ваҳишона қичқириб ки-тоблардан гулхоялар ёққанларини кўрди. Нақистлар ёшларни нақа-дар бузғатганликларининг гувоҳи бўлди. Гитлеризм унинг севимли-ватанини қандай фалокатга олиб бораётганини, у Европа халқлари-га қанчалар даҳшатли қисмат тай-берилаётганини ўйлаганда, унинг юрак-бағри увишиб кетарди! У бу ҳақда ўйлаш билангина чекланма-ди, у Германия ва оддий киши-ларнинг интернационал биродар-лигини қадр қилиб қилган бошқа соф инияти немисларга ўхшаб ҳа-ракат қилди.

Бу ерда, Варшавада Илья Штёбел билан биргаликда кў-за қўринамас фронтда нацизм бил-ан курашар эди. Шелия «иши» ҳусусида шош-

қалқиди қилиш мумкин эмас эди. Айни вақтда Вольфганг ва Илья эс-сусташлик қилиш ҳам мумкин эмаслигини ҳис қилишарди. Ев-ропа, устида уруш булутлари қу-юқлашмоқда эди.

Командировкадан Варшавага қайтиб келган, Вольфганг Шелияга телефон қилиб унга баъзибир га-ла-ти гапларни айтмоқчи эканлигини билдиради. Улар эртасига Шелия-нинг уйда учрашишди. Дипломат-нинг хотини Венадаги қаринош-ларининг меҳмонга кетган эди.

Салом-алиқдан сўнг Шелия гап бошлади: — Хўп, бошланг! Сиз менга га-лати гапларни айтмоқчи эдингиз-ку, ахир...

— Тўғридан сўнг... жавоб берди Вольфганг: — Ниҳоятда гай-ри-тайиний иш. Олдин мен сизга ўзининг бошқа саргузаштларим ҳақида айтиб берар...

Овнатганиб бўлган, «дўстлар» кабинетга кириб жойлашиб ўтириб олдин ва шу заҳотиёқ Вольфганг Шелияни жаноб С.нинг «қизик-таклифи»дан вақоқ қилди.

Гап давомиди дипломат коммер-сант рўпарасида, сукут сақлаб ўтирди. У Вольфгангга айёр, кўп тажриба ортирган тулқиннинг кў-злари сингари кўзалари билан қа-рардик. улардан разведкачи ҳеч нарс а уқиб ололмади.

Дастлабки сивоз сўзлари: «Мен жаноб С.га ҳақиқатан ҳам Варша-вада танишим бор, у...» дейилган-да Шелия ҳатто инагини ҳам буз-мади. Иккинчи дадиорқ гаплар кейин: «Сўзларимни эшитиб жаноб С. менга шундай деди: «Сиз биз-нинг гаплариниз тўғрисида таян-ишнингга бемалол айтаверишингиз мумкин»... Шелия қувиб бошини чайиб қўйди. У бу билан тўғ-«Хар ҳолда, мен ҳусусида, ҳеч қанақа гап-сўзини билуши мум-кин эмас...» демоқчидек бўларди.

Уз сўзининг охирида Вольфганг паршохотирлиги билан сўзлади: — Энди нима қилиш керак? Дарҳол рад қилишни керакмиди? Еки бу учрашувга кўрсатилган муддатда бориш керакмики, бал-ки?

— Бундай иш... Шелия сита-ретани чўзиб тортиди... — албатта, ўзининг ижобий ва салбий томон-ларига эга бўлади. Сизга бирон маслаҳат беришга оқимзам:

— Нима бўлса ҳам дўстим си-фатида буларнинг ҳаммасини сиз-га айтиб беришни хоҳлардим. Мен бу гап балки сизни қизиқтира-ди, деб ўйлагандим.

— Бу ҳақда-яна бошқа бирор кимсга айтмадингизми?

— Йўғе, худо сақласин! Бугун овқат вақтида рафиқангиз булар-микни-бўлмасиники деган ҳавотир билан бошқа ташвиш бўлмади-ю менда. Акс ҳолда сизга буларни айтмаган бўлардим. Сиздан бу

ҳақда ҳеч кимга айтиб юр-маслини илтимос қилишни шарт бўлмас керак. Айниқ-са, рафиқангизга...

— Бу ўз-ўзиндан маълум-ку...

— Айтиш ҳақидан қу-тарилди. — давом этди Вольфганг, — жаноб С. яна шундай деган эди, мен унинг таклифига фақат моддий то-мондан қарамаслигим керак-миш. Унинг фикрича, менинг учун унинг мамлақати билан муштаҳам алоқа қилиш-ётганим ҳаммадан ҳам му-ҳим ва қимматли экан. Шу маънода маълум шарт-шаро-ити тузилганда, кейинчалик мен учун катта имкониятлар очилар экан. Агар шундай имкониятга минглаб кишилар эга бўлганлари-да эди ўзларини бахтир ҳис қи-лардилар, деди жаноб С.

Шелия яна ситарасини чўзиб тортиди:

— Ҳақ гап, мен бунга ишона-ман... ҳўп, шундай қилиб, муҳлат ҳусусида қандай қилишнингиз? — Энди сизга ва ўн тўққизинчи августда. Цюрихда. Эрталаб соат 10 да, Кук саҳахатлар бю-росида...

— Бу қандай қилинади... Шелия гапнинг мазмунини билан тобора кўпроқ қизиқа бошлади... — ёма равишданми? Умуман назарда тутайман...

— Йўқ, қизиқмасиз. Менинг тушунишимча, ҳеч нарс а ёзиш керак эмас. Бу одамлар шундай та-жрибалики, кўришдан уларга фа-кат материал керак.

— Сизнинг ўзингиз нима деб ўйлайсиз? Розан бўлмоқчимиз?

— Мен аввало сиз билан гапла-шиб кўрмоқчи эдим. Албатта, фой-дадан кўз юмиб бўлмайди. Энг му-ҳими ефрейторнинг планларини ачча қиқазши имкониятлари...

— Мен сизнинг ўринингизда бўл-ганимда ҳақиқатан ўйлаб кўра-рдим.

Энди Вольфганг хотиржам на-фас олди.

— Маънавий жиҳатдан гумон-сирашга асосим йўқ... Вольфганг-нинг овози жарағлаб кетгандай бўлди, — бунин мен сизга гапни ай-лантирмай айтаётirman.

— Гап маънавийликда эмас... Шелия ўзининг ялтирок тирноқла-рига қаради... — фюреримизнинг «Шаркий нарсалари» мени чўчи-тади. Катта урушнинг ҳиди келип-ти. Гитлер Бисмаркни ўқимаган... Ефрейтор Германияни ҳалокатга олиб келади.

— Хар нарс а бўлса ҳам, сиз менинг фикримга қўшласизми, шу заҳотиёқ рад этганда тўғри бўлмас эди?

Шелия суҳбатдошга қарамас-дан сенин гапирди:

— Келинг бу ҳақда яна гапла-шиб оламиз. Сизга эртага кўнғироқ қиламан...



Эртаси кўни кўнғироқ бўлмади. Фақат янаги кўни кечурун Шелия Вольфгангга элчихонадан кўнғироқ қилди, ишанча кўни Радавилла немис дипломатлари уюштирган автомобил саҳати ҳақида гапир-ди, шундан сўнг сўзлади:

— Хўш, қарор қилингизми? Борасизми?

— Борсам, деб турибман.

— Тўғри. Бу ҳақда қанчалик кўп ўйласам сиз боришингиз ке-рак деган хулосага келаяман...

Вольфганг енгил нафас олди: «Галаба! Ҳа, энди у ўзини бу га-лаба билан табрикласа бўлади».

ЦУРИХГА кетиб олдилад Вольфганг билан хайрлашар экан Шелия тантанали оҳангда де-ди:

— Жаноб С.нинг эътиборини шу нарс ага жалб қилингки, мен сиз орқали унга фақат материал-лар бераётганим йўқ, бу билан унинг империянинг ҳалок бўли-шига ҳисса қўшмоқчиман. Мен у билан сийсиш нуқтаи назардан ало-қа боғлаётганлигимни жаноб С.га айтиб қўйинг...

Цюрихга Москвадан келган ўр-тоқ билан учрашувга кетаётди Вольфганг Марказга: Гитлер Гер-маниясининг халқро ва ички сий-сати ҳақида Варшавадаги немис элчихонасининг секретари Рудольф фон Шелияга нималар маълум бўлса, ўшаларнинг ҳаммасини би-лиши мумкин эканлиги ҳақида қатъий ишонч билан хабар қили-ши мумкин.

Гитлерчиларнинг Польшага қароқ, қиларча ҳужум бошлаганидан сўнг, Марказ ўйлаганидн, натор ҳолатлар Вольфгангнинг тезлида Москвага келишини тақозо этди. У харбий ҳа-ракатлар тўс-тўполонда Германия элчихонаси ва маъмурияти билдир-май бу ишни амалга оширди. Вольф-ганг Варшавадан кетаётди жаноб С. билан бўлган англ сўнги «учрашу-вини» фон Шелияга гапириб берди: «Берлинда у, Шелия, жаноб С. одам-лари билан унга аҳми танини бўлган, қиқнда Варшавадан Германия пойтах-тига жўнаб кетган, фон Шелияга ях-ши таниш журналист эди Илья Штё-бел орқали алоқа боғлаши мумкин».

В. КУДРЯВЦЕВ,
1-ранг капитани.

К. РАСПЕВНИ,
«Правда»нинг махсус мухбири.

(Давоми бор)

МУДДАТЛАР МАЪЛУМ, РАҚИБЛАР-ЧИ?

Футбол бўйича навбатдаги тўққизинчи жаҳон чемпионати 1970 йилиги 31 майдан 21 июнига қадар ўтказилади. Яқинда Мексика футбол фе-дерацияси президенти ва бўлажак чемпионат ташкилий комитети-нинг раиси Гальеро Каноел журналистларга аша шуну маълум қилди. Ушунлар Мексико, Гвадалахаре, Пуэбло, Монтер-рейте, Леоне ва шунингдек Хас-со ҳамда Вера — Крус шаҳар-ларида ўтказиш мўлажалланган. Тўғри, Вера Крус шаҳри порт шаҳри бўлиб, у денгиз сатҳи билан баравар жойлашган ва Мексикадаги бошқа шаҳарларга қараганда бирмунча нақста. Шунинг учун ҳам бу шаҳарда мусобақалар ўтказишга эътироз-лар билдирилган.

31 майда жаҳон чемпионати финал ўйинларининг тантанали очилиши бўлади. Иккинчи ва учинчи июлда гуруҳларда би-ринчи ўйинлар ўтказилади. 6-7 июлда эса иккинчи тур, 10-11 июлда учинчи тур мусобақа-лари бўлади.

Чорак финал ўйинлари 14 июлда, ярим финал ўйинлари 17 июлда бўлади. 20 июлда

«Б» КЛАССИДА

Урта Осиё ва Қозғистон рес-публикалари «Б» классига қат-нашаётган командалар навбат-даги мусобақаларни ўтказди-лар. Зона пешкалари Тошкент областининг «Свердлов» кол-хоз футболчилари Самарқанд-да «Сўғдиёна» командаси бил-ан учрашдилар. Ўзини натижа-сиз тугади. Навоийнинг «Ян-кариш» командаси билан «Металлурги» футбол-чилари ўртасидаги учрашув ҳам дуранг натижа берди. Бу ерда рақиблар бир-бирлари дароз-ларига биттадан тўп киритишди. Чорқизнинг «Захмат» коллекти-ви ўз майдонда Сирдарёнинг «Пахтаорол» командасидан 0:1 ҳисобида енгилди.

18-турини қолган учрашув-лари қуйилган натижалар билан тугади. «Ол олтин» — «АДК» — 1:2, «Вахш» — «Химик» — 2:1, «Факел» — «Целинник» 0:0, «Спартак» (